

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“ФАРМАЦИЯДА ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЫ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

“АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ
ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ
И ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ”

Тошкент-2009

Таҳрир ҳайъати:

Раис: Юнусхўжаев АН.

Аъзолар: Шабилолов А.А.
Аминов С.Н.
Расулова С.А.
Файзуллаева Н.С.

Янги «ЭКЖ-2» асосини юмшоқ дори турлари технологиясида қўллаш

Я.К.Назирова, К.С.Махмуджанова, Ф.А.Аминов
Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: табиий хом ашёларни дори шакллари технологиясида қўллаб, юқори самарали ва танага безарар таъсирни таъминлаш замонавий фармацевциянинг долзарб масалаларидандир. Юмшоқ дори турларига қўйилган талабларни инобатга олган ҳолда биофаол моддалар билан ўзаро таъсирлашмасдан, керакли фармакологик таъсирни таъминлаб берувчи ёрдамчи моддаларни амалиётга тадбиқ этишга қаратилган бир қатор тажриба натижаларининг тахлили изланишнинг мақсади қилиб белгиланди.

Мазкур изланишлар халқаро ҳамкорликдаги интеграцион лойиха бўлиб, Жанубий Қозоғистон Тиббиёт Академияси олимлари томонидан ишлаб чиқилган “ЖК-ЭКЖ-2” гидрофоб асосини суртмалар технологиясида қўллаш имконини яратиш тадбирлари ТошФарми Дори турлари технологияси кафедраси ходимлари билан ҳамкорликда амалга оширилди.

Усуллар: таклиф этилган “ЖК-ЭКЖ-2” гидрофоб асосини структура-механик ва технологик хоссалари : ташқи кўриниши, сон кўрсаткичлари, эриш ҳарорати, қотиш ҳарорати, тиксотропик хоссалари ва биофаол моддаларни турли эритувчилар иштирокидаги эритмаларини асос билан аралашishi тегишли МТХ ларда келтирилган усуллар бўйича ўрганилди.

Натижалар: “ЖК-ЭКЖ-2” гидрофоб асосини ташқи кўриниши оч сарғиш тусли, ўзига хос бир оз какао мойини эслатувчи ҳидли, таъмсиз, суртмаларга хос консистенциядаги масса бўлиб, сон кўрсаткичлари бўйича баҳоланганда, ўртача натижа йод сони - 59,54 мгI₂ /100г ва кислота сони 0,12 мг КОН/г ни ташкил этди.

Структура-механик кўрсаткичлари XI Давлат Фармакопеясида келтирилган усуллар бўйича ўрганилганда асоснинг эриш ҳарорати +30°C, қотиш ҳарорати +8°C ни ташкил қилди. Гидрофоб асос тиксотропик хоссалари махсус адабиётларда келтирилган усулларда аниқланди. Оқувчанлиги, қовушқоқлиги, зичлиги талаб даражасида эканлиги кузатилди.

Олинган натижалар асосида сувда, мойда эрувчан ва суспензия ҳолида асос таркибига киритиладиган биофаол моддалар иштирокида 2% ли суртмалар технологияси амалга оширилди. Бунда албатта биофаол моддалар табиатини ҳисобга олган ҳолда ҳар бири учун алоҳида технологик усулларда суртмалар тайёрланди.

Хулоса: янги таклиф этилаётган суртма асосида олинган юмшоқ дори турларининг сифат назорати амалга оширилмоқда ва келгусида самараси, турғунлиги жиҳатидан МТХ талабларига жавоб бера оладиган маҳаллий биофаол моддалар сақлаган янги таркибли суртмаларни амалиётга таклиф этиш кўзда тутилмоқда.